

**КАМОЛИДДИН БЕҲЗОД НОМИДАГИ МИЛЛИЙ РАССОМЛИК ВА
ДИЗАЙН ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD. 38/09.07.2020. San. 119.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
КАМОЛИДДИН БЕҲЗОД НОМИДАГИ
МИЛЛИЙ РАССОМЛИК ВА ДИЗАЙН ИНСТИТУТИ**

КОБИЛОВА ФЕРУЗА НАСРУЛЛАЕВНА

**МУСТАҚИЛЛИК ДАВРИДА ЎЗБЕКИСТОН ҚЎҒИРЧОҚ
ТЕАТРАРИ СЦЕНОГРАФИЯСИ**

17.00.04 – Тасвирий ва амалий безак санъати

**САНЪАТШУНОСЛИК ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2023

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Кобилова Феруза Насруллаевна

Мустақиллик даврида Ўзбекистон кўғирчок театрлари
сценографияси.....3

Кобилова Феруза Насруллаевна

Сценография кукольных театров Узбекистана в период
независимости.....19

Kobilova Feruza Nasrullayevna

Scenography of puppet theaters of Uzbekistan during the period of
independence.....38

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works42

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2021.3.PhD/San153 рақами билан рўйхатга олинган

Диссертация Ўзбекистон Бадиий Академияси Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институтида бажарилган

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб саҳифасида (www.mrdi.uz) ва “Ziyonet” Ахборот-таълим портали (www.ziyonet.uz) манзилларига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Сайфуллаев Нодирбек Бахтиёрвич,
тарих фанлари номзоди, профессор

Расмий оппонентлар:

Ҳакимов Акбар Абдуллаевич
санъатшунослик фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси
академиги, Ўзбекистон Бадиий академияси
академиги
Инобат Маҳкамбаевна Иманқулова
санъатшунослик фанлари бўйича фалсафа доктори
(PhD)

Етакчи ташкилот:

**Ўзбекистон Давлат санъат ва маданият
институти**

Диссертация ҳимояси Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи PhD.38/09.07.2020. San.119.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2023 йил “___” _____ соат ___ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100015, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Мироншоҳ кўчаси, 123-уй. Тел.: (+99871) 255-98-39, факс: (+99871) 255-18-33, e-mail: info@mrdi.uz).

Диссертация билан Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти кутубхонасида танишиш мумкин (_____ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100015, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Мироншоҳ кўчаси, 123-уй. Тел.: (+99871) 255-98-39, e-mail: info@mrdi.uz).

Диссертация автореферати 2023 йил “___” _____ куни тарқатилди.
(2023 йил “___” _____ даги № _____ - рақамли реестр баённомаси).

Д.М.Қодирова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
раиси, санъатшунослик фанлари доктори

Б.Ю.Сангиров

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
котиби, санъатшунослик фанлари бўйича
фалсафа доктори (PhD)

С.Ш.Алиева

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
кошидаги Илмий семинар раиси,
санъатшунослик фанлари доктори

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда кўғирчоқ театрлари сценографиясида анъанавий, модернизм ва постмодернизмнинг тасвирий-ифодавий усулларида фойдаланилмоқда. Дунёда кўғирчоқ театрлари ўзига хос коммуникация тури сифатида янги кўғирчоқ турлари ва технологиясида янги пластик изланишлар, дигитализациядан унумли фойдаланиш, декорация ечимларида постмодернизмнинг симулякр, метасанъат, деконструкция, артефакт, универсал гуманизм, универсализм каби таркибий қисмларидан кенг қўлланилиши катталар ва болалар аудиториясига мосланган спектаклларни саҳналаштириш долзарб аҳамият касб этмоқда.

Жаҳон санъатшунослигида кўғирчоқ театрлари сценографияси миллий-анъанавий қадриятлар ва посткўғирчоқ театри ривож кесимида тадқиқ этилмоқда. Технологик янгиликларнинг саҳна бадий ечимига бўйсундирилиши ва маданий феномен сифатида фанлараро ёндашувдаги изланишларни олиб бориш жадаллашмоқда. Тадқиқотларда тарихий ижтимоий воқеалар таъсирида кўғирчоқ театри сценографиясининг ривож, саҳна ечимдаги трансформациялар, бадий образ яратиш масалалари долзарб аҳамият касб этмоқда.

Сўнгги йилларда кўғирчоқ театрларининг моделини сақлаш, тиклаш, ривожлантириш мақсадида республикада “Театр томошалари ҳафталиги”, “Республика кўғирчоқ театрларининг анъанавий кўрик-фестивали”, “Дебют” каби халқаро фестиваллар ва танловларнинг ўтказилиши ижодкорларга миллий ва жаҳон тажрибасини ўрганиш ҳамда амалиётда қўллаш имконини бермоқда. “Жаҳондаги энг оммавий ва таъсирчан санъат турларидан бири бўлган театр асрлар давомида одамларни инсонийлик ва эзгуликка чорлаб, уларнинг қалбида олижаноб фазилатлар, гўзал ҳис-туйғуларни камол топтиришга, жамият ҳаётида тинчлик, дўстлик ва ҳамжиҳатлик, юксак ахлоқ ва адолат тамойилларини мустаҳкамлашга хизмат қилиб келмоқда.”¹ Бу ўзбек кўғирчоқ театри сценографияси мактабини сақлаб қолиш, бадий жараёнларини тадқиқ этиш, халқаро тажрибани ўзлаштиришнинг ўзига хос услубларини ўрганишда долзарблик аҳамиятини кучайтирмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 12 сентябрдаги ПФ-158-сон ““Ўзбекистон-2030” стратегияси” тўғрисида, 2020 йил 26 майдаги ПФ-6000-сон “Маданият ва санъат соҳасининг жамият ҳаётидаги ўрни ва таъсирини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2017 йил 31 майдаги ПҚ-3022-сон “Маданият ва санъат соҳасини янада ривожлантириш ва такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида”, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 5 январдаги 9-сон “2018 — 2022 йилларда давлат театрларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини ривожлантириш чора-тадбирлари

¹ Ш.Мирзиёев “Президент Ўзбекистон театр санъати ходимларига табрик йўллади”. Халқ сўзи. 2021-йил 26-март, 61-сон. – Б. 1-3. (<https://xs.uz/uzkr/search?q>).

дастури тўғрисида” ги қарори, фармонлар ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда кўзда тутилган вазифаларни бажаришда мазкур диссертация муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Тадқиқот иши республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Диссертация мавзуси Ўзбекистон кўғирчоқ театри шаклланиш жараёнига оид икки тарихий давр – совет йиллари санъатшунослигига оид ижтимоий-тарихий ва методологик ёндашувдаги изланишлар ҳамда мустақиллик даврига оид изланишларни қамраб олади.

Кўғирчоқ театри сценографиясининг ўрганилганлик даражасини очиб беришга қаратилган асосий назарий муаммо диссертацияда босқичма-босқич таҳлилда, тарихий кесимда ёритилган. М.Ф.Гаврилов, М.Х.Қодиров, С.М.Қодирова² изланишларида ўзбек анъанавий кўғирчоқ санъати илк мартаба этнографик экспедициялар орқали тадқиқ этилиб, тарқоқ материаллар умумлаштирилган, кўтарилган долзарб тарихий-назарий масалалар кўғирчоқ театри тарихини ўрганишда муносиб ўрин тутган.

Соҳага оид сўнгги тадқиқотлар асосан “Театр” ва “San’at” журналларида ўз аксини топган бўлиб, кўғирчоқ театри сценографиясига оид масалаларни қисман олиб чиқади. Э.Ўринов, Ҳ.Икромов, Т.Смолякова, Т.Баяндиев, С.Қодирова, Д.Раҳматуллаева, О.Ризаев, Ф.Абдувоҳидов, Ф.Хўжаев, А.Исмоилов, Ф.Қурбонова, У.Раҳимова, З.Абдумаликованинг³ илмий изланишлари кўғирчоқ театри репертуари, режиссураси, драматургияси, актёрлар ижроси, анъанавий фестивалларда спектакллардаги ютуқ ва камчиликлар очиб берилган ва театршунослик назариясида ёндашилган. Мавжуд манбаларда республикадаги вилоят кўғирчоқ театрлари ривожини, фаолияти ва сценографиясига оид масалалар тарқоқ ёритилган, таҳлилий

² Гаврилов М.Ф. Кукольный театр в Узбекистане. – Ташкент: Средазкнига, 1928. 60 с; Қодиров М.Х. Ўзбек халқ томоша санъати. – Т.; Ўқитувчи наш.1981.; Қодиров М.Х, Қодирова С.М. Кўғирчоқ театри тарихи. – Ташкент.: Талқин . 2006.

³ Ўринов Э. Кўғирчоқ театрларида репертуар масалалари.//Театр. Т; 2004/1; Абдумаликова З. Кўғирчоқ театри драматургияси. // Театр. Т.: 2013/4; Икромов Ҳ. Кўғирчоқ театри режиссураси: изланишлар ва муаммолар.// Театр.Т; 2004/1. 22 б; Смолякова Т. Театр кўғирчоқлари яратилиши тарихи. // San’at.-Т., 2010.- № 4. 25-26 б; Баяндиев Т. Энг қадимий санъат //Театр 2013/2 12-13 б; Қодирова С. Кўғирчоқлар тиллашганда. //Театр 2010/1. 8-10 б; Қодирова С.Ўзбек кўғирчоқ театрида анъаналар давомийлиги // San’at.- Т., 2023.-№ 1. 41-44 б; Раҳматуллаева Д. Шум бола.//Театр 2004/1//24-б; Раҳматуллаева Д. Кўғирчоқ театрлари фестивали: янгиликка интилиш.//Театр 2020/4. 4-5 б; Ризаев О. Ўзбек драматургияси ва театр тараққиётида мумтоз адабиётни ўзлаштиришдаги анъана ва тамойиллар//Театр 2014/2// 9-13 б; Ф.Абдувоҳидов. Қувонч ва мўжизалар маскани.//Театр 2016/3// 14-16 б; Ф.Хўжаев. Эски жўвалик кўғирчоқбоз.//Театр 2020/4// 13-б; Қурбонова Ф. Кўғирчоққа жон бағишлаб //Театр 2013/2// 29-б; Мусаева Д. “Алпомиш” кўғирчоқ театрига келди //Театр 2000/1.42-б; Исмоилов А. Теран маъноли асар //Театр. 2011/4.26-б //; Раҳимова У. Йиллар исзид кетмайди.//Театр. 2012/4.31-б //; Қаҳҳорзода Ш. Кўғирчоқлар тилга кирганда.//Театр. 2012/4.24-б/; Абдумаликова З. Фотиманинг саргузашти // Театр.2014/1//Т.: 42-43 б,

маълумотлар умумлаштирилмаган, театр рассомлари ижоди мазкур илмий изланишларда ўз аксини топмаган.

Тадқиқот усулининг янгиланиши ҳамда театр, маданиятшунослик омиллари инобатга олган ҳолда янги назарий муаммоларга эътибор республика санъатшунослиги ривожининг янги тармоғи сифатида намоён бўлди. Улар орасида М.Х.Ашурова, Ш.Ў.Ҳайитбаев, Т.Смолякова, Д.М.Қодированинг⁴ ўқув қўлланма, монография ва дарслик каби методологик илмий рисоаларини таъкидлаш жоиз. Д.М.Қодирова монографиясида санъатшуносликнинг янгиланган методологияси орқали миллий сценографиянинг тадрижий шаклланиши, ундаги долзарб муаммолар илк маротаба ўзбек тилида тадқиқ этилган.

Мавзуга оид бўлган фундаментал методологик базани асосан рус олимлари тадқиқотлари ташкил этади. Қўғирчоқ театри сценографияси, қўғирчоқлар ясаиш технологияси ва турлари, режиссура, драматургия, актёрлар ижросига оид бўлган тадқиқотлар В.В.Базанов, Е.С.Деммени, А.А.Михайлова, С.В.Образцов, А.Я.Федотов, М.Френкель⁵ ишларида акс этади. Постмодернистик жамиятда замонавий қўғирчоқ театрлари ролининг ўзгариши, янгича драматургия ва сценографиянинг жаҳон ва ўзбек сахналаридаги тажрибаси М.С.Убайдуллаева, А.М.Кожевников, М.Вашкель, Г.В.Кротов, В.Л.Берман⁶ каби ўзбек ва ғарб олимларининг изланишларида ўз аксини топган.

Манбалар таҳлили натижасида Ўзбекистон қўғирчоқ театрлари тарихи, репертуари театршунослик ва маданиятшунослик нуқтаи назаридан тадқиқ этилган бўлсада, мустақиллик йилларида қўғирчоқ театри сценографияси масалалари санъатшунослик (тасвирий санъат) кесимида алоҳида, тизимли тарзда жамланиб, яхлит илмий тадқиқот даражасида ўрганилмагани маълум бўлди. Қўғирчоқ театрлари сценографияси ривожининг специфик тенденция ва миллий маданиятнинг ўзига хослигида ҳам намоён бўлмоқда. Бу жараёнда рассом ва режиссёрлар ижодининг ўрнини ўрганиш, постмаданий жамиятда

⁴ Ашурова М.Х. Қўғирчоқ театр санъатининг актёрлик мактаби. Т. М.Уйғур номидаги ТДСИ Илмий кенгашида тасдиқланган ва нашрга тавсия этилган. 2007.; Ҳайитбаев Ш.Ў. Қўғирчоқ театри режиссураси. Т. А.Қодирий номидаги Тошкент Давлат маданият институти босмаҳонаси. 2007.; Смолякова Т. Технология изготовления театральной куклы.Т.; Қодирова Д.М. XX аср ўзбек театри сценографияси Т.; San'at, 2009.

⁵ Базанов В.В. Технология сцены. М.: Импульс, 2005г; Деммени Е.С. Куклы на сцене. Л.;М., Искусство, 1949.; Михайлова А.А. Сценография: теория и опыт. –М.: Советский художник, 1990; Образцов С.В. Актёр с куклой. М.;Л., Искусство,1938.; Образцов С.В. Моя профессия. М., Искусство, 1950;1981.; Саломатин История восточного театра кукол.; Федотов А.Я. Техника театра кукол. М., Искусство, 1953; Федотов А.Я. Тростевая кукла. М., Искусство, 1950.; Френкель М.А. Современная сценография: Некоторые вопросы теории и практики. К., Мистецтво, 1980.

⁶ О.Тожибоева. Марказий Осиё театрлари тарихида халқ эпосининг ўрни. // Санъатшунослик бўйича докторлик диссертацияси - Т.: Санъатшунослик институти 2011.-280 б.; М.Убайдуллаева. Ўзбек қўғирчоқ театри драматургиясининг ўзига хос хусусиятлари ва сахна талқини муаммолари. Санъатшунослик фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати – Т. 2023.: А.Кожевников. Современный трансформирующийся театр. Отдел оперативной полиграфии МАРХИ, - М. 2018, 97 стр.; М.Вашкель. Посткукольный театр кукол. 2018. №1-2. 163-170 стр (<http://theatre.sias.ru/upload/vop>); Г.Кротов Сценография кукольного спектакля. Система ценностей современного общества. Общество с ограниченной ответственностью “Центр развития научного сотрудничества” (Новосибирск). №10-1 2010. 126 стр (<https://elibrary.ru/contents.asp?issueid=1239328&selid=21119437>); В.Л.Берман Театральная реальность и ее трансформация в эпоху постмодерна (на материале театра кукол). Авт. дисс. на соискание уч. ст. кандидата философских наук. – Омск: 2009. <https://pandia.ru/text/78/063/20806.php>

кўғирчоқ театри сценографиясига янгича ёндашувларни ғарб малакаси асосида ўрганиш долзарб эканлиги тадқиқ этилган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ ПЛ-422105582 “Ўзбекистон бадиий таълим тизимида “Онлайн музей” электрон галереясини яратиш” (2019-2021 йй.) мавзусидаги амалий лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади мустақиллик даври Ўзбекистон кўғирчоқ театрлари сценографияси ривож ва сахна асарларининг бадиий-ғоявий хусусиятларини очиб беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

кўғирчоқ театри сценографияси бадиий жараёнларини таснифлаш, илмий-амалий хусусиятларини очиб бериш;

тарихий-маданий жараёнлар таъсирида Ўзбекистон кўғирчоқ театр сценография тараққиётига таъсир этган омилларни аниқлаш;

миллий кўғирчоқ театрлари репертуари ва сценографиядаги ўзига хос изланишларни асослаш;

кўғирчоқ театрлари спектакллари сценографиясида режиссура, драматургия, рассом иши ва актёр ижросининг ўзаро таъсир тамойилларини белгилаш;

Тошкент, Андижон, Жиззах, Бухоро кўғирчоқ театри сценографиясининг ўзига хос бадиий хусусиятларини очиб бериш;

XX-XXI аср Ўзбекистон кўғирчоқ театрлари сценографияси шаклланиши ва ривож, бадиий жараёнларнинг таъсирига доир таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Ўзбек Миллий кўғирчоқ театри, Жиззах кўғирчоқ театри, Андижон кўғирчоқ театри, Бухоро кўғирчоқ театрлари олинган.

Тадқиқотнинг предметини кўғирчоқ театри спектакллари сценографияси бадиий хусусиятлари, тарихий-маданий трансформация жараёнидаги вужудга келган услублар ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда киёсий-тахлилий, тизимли, таснифий, тарихий-типологик, биографик, санъатшунослик ва маданиятшунослик фанларига оид ёндашув усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги куйидагилардан иборат:

кўғирчоқ театрлари сценографияси такомиллашувига ширма ортидаги ижрога асосланган Европа типидagi кўғирчоқ театри анъаналари ва постмодернизмнинг ҳикоянавислик, аралаш жанр, киноя каби услубларининг аутент кўғирчоқ томошалари фаолияти билан интеграцияси аниқланган;

кўғирчоқлар турини такомиллаштириш ва тайёрлаш технологиясида шакл ифодавийлигига оид бадиий пластик изланишлар, стилистик эклектизм, актёр функцияси каби жиҳатларнинг ривожланиши натижасида гибридлашув жараёни вужудга келганлиги асосланган;

мустақиллик йилларида кўғирчоқ театрларида мумтоз, фольклор,

тарихий асарлар асосида инсценировкаларнинг яратилиши, сценографияда визуал эффектлар дигитализацияси, акустик таъминотнинг эффектлашуви, сахна декорациясида минимализм, ижро ечимида эса перформанс каби услубларининг такомиллашишга олиб келганлиги далилланган;

спектакль декорацияси ечимида қўлланилаётган постмодернизмнинг симулякр, метасанъат, деконструкция, артефакт, универсализм каби қисмларининг экспериментал тасвирий ифодавий воситалари, қўғирчоқ театри аудиториясини кенгайтиришга ва репертуар такомиллашувига ижобий таъсир кўрсатгани далилланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

“Театр тарихи” ўқув қўлланмасида мустақиллик даври қўғирчоқ театри сценографиясига оид С.Образцов анъаналари давомийлиги, В.Акудин, Ш.Юсупов, Д.Юлдашева ижодий мактаблари ҳамда постмодернизмнинг бадиий хусусиятларига оид маълумотларни сценографияда қўллашга хизмат қилади;

ўз ечимини топган масалалар бўйича олинган маълумотлар “Сценография тарихи”, “Театр, кино ва мусиқа санъати” каби мутахассислик фанлари бўйича маъруза, семинар ва амалий машғулотларни фаоллаштиришда қўлланилган;

замонавий сценография трансформациясини тадқиқ этишда ишлаб чиқилган “Ўзбекистон бадиий таълим тизимида “Онлайн музей” электрон галереясини яратиш” номли инновацион лойиҳада замонавий сценография масалалари ва спектакллардаги рассомлар ижоди, бадиий эстетик жиҳатлар асосида театр безакларини яратиш, бадиий маҳорат кўникмаларини шакллантириш, кичик ва катта сахна макон шакллари ишлаб чиқаришга қадар бўлган жараёнга йўналтирилган электрон илмий паспортлари ишлаб чиқишда фойдаланилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги диссертацияда муаммонинг аниқ қўйилгани, чиқарилган хулосаларни замонавий санъатшунослик кесимида таҳлил этилгани, қиёсий-таҳлилий, тарихий-маданий ва биографик методларда назарий ёндашувларнинг қўлланилгани, Ўзбекистон қўғирчоқ театри коллекциялари, архив материал каби бирламчи манбаларга асосланган натижалар, республика ҳамда халқаро миқёсдаги илмий анжуманлар, конференциялар, миллий ва хорижий журналларда чоп этилиб апробациядан ўтганлиги, мустақиллик даври қўғирчоқ театри сценографияси шаклланишига оид манбаларга таяниб, илмий-амалий хулоса, тақлиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилгани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти қўғирчоқ театри рассомлари ижоди асосида миллий сценографияни фанлараро таҳлил этиш, санъатшунослик, театршунослик ва қиёсий типологик ёндашувларни қўллаган ҳолда ўрганиш, қўғирчоқ театр сценографияси ривожланишининг асосий босқичларига алоқадор, кам ўрганилган ва номаълум бўлган манбаларни илмий таҳлил этиш орқали керакли манба сифатида хизмат қилиши билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти диссертацияда ўз ечимини топган масалалар бўйича олинган маълумотлар замонавий кўғирчоқ театри сценографиясида трансформацияни ўрганиш, сценография тарихи, рассомларнинг янги изланишлари, образ яратишда бадиий ифодавий воситалар “Театр тарихи”, “Сценография тарихи”, “Театр, кино ва мусиқа санъати”, “Кўғирчоқ театри композицияси”, “Кўғирчоқ ишлаб чиқариш техникаси ва технологияси”, “Кўғирчоқ театри тарихи” фанларидан ўқув қўлланма, дарсликлар яратишда кўшимча манба сифатида хизмат қилиш баробарида кўғирчоқ театрлари фаолиятига бағишланган истиқболдаги илмий-тадқиқот ишларида самарали натижа бериши билан белгиланади.

Тақдирот натижаларининг жорий қилиниши. Мустақиллик даврида Ўзбекистон кўғирчоқ театрлари сценография жараёнларини талқин қилиш юзасидан олинган илмий натижалар асосида:

кўғирчоқ театрлари сценографияси такомиллашувига ширма ортидаги ижрога асосланган Европа типдаги кўғирчоқ театри анъаналари ва постмодернизмнинг ҳикоянавислик, аралаш жанр, киноя каби услубларининг аутент кўғирчоқ томошалари фаолияти билан интеграцияси аниқлангани бўйича олинган илмий натижалардан “Театр тарихи” номли ўқув қўлланмани яратишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси олий таълим, фан ва инновациялар вазирлигининг 2023- йил 29 сентябрдаги 438- сонли буйруғи билан тасдиқланган 938452- рақамли нашр гувоҳномаси). Натижаларнинг қўлланиши Ўзбекистон кўғирчоқ театри сценографиясига доир илмий-тадқиқот фаолиятидаги самарадорликни оширган, замонавий сценография турларини ўрганишда, тарғиб этишда ҳамда соҳага оид тўлиқ ўрганилмаган бадиий жараёнларни ёритишга хизмат қилган;

кўғирчоқлар турини такомиллаштириш ва тайёрлаш технологиясида шакл ифодавийлигига оид бадиий пластик изланишлар, стилистик эклектизм, актёр функцияси каби жиҳатларнинг ривожланиши натижасида гибридлашув жараёни вужудга келганлигига оид илмий янгиликлар “Ўзбекистон бадиий таълим тизимида “Онлайн музей” электрон галереясини яратиш” номли амалий лойиҳада фойдаланилган (Ўзбекистон Бадиий академиясининг 2022 йил 14 сентябрдаги ЕУ16531382 сон маълумотномаси). Натижада, лойиҳада замонавий сценографияда қўлланилаётган кўғирчоқлар тури ва технологиясида пластик изланишлар, стилистик эклектизм каби янгиликлар ўз аксини топиб талабалар учун муҳим манба бўлиб хизмат қилган;

мустақиллик йилларида кўғирчоқ театрларида мумтоз, фольклор, тарихий асарлар асосида инсценировкаларнинг яратилиши, сценографияда визуал эффектлар дигитализацияси, акустик таъминотнинг эффектлашуви, сахна декорациясида минимализм, ижро ечимида эса перформанс каби услубларининг такомиллашишга олиб келганлиги илмий натижалардан “Театр тарихи” номли ўқув қўлланмани яратишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси олий таълим, фан ва инновациялар вазирлигининг 2023- йил 29 сентябрдаги 438- сонли буйруғи билан тасдиқланган 938452- рақамли нашр гувоҳномаси). Илмий натижаларнинг қўлланилиши кўғирчоқ театри тасвирий-ифодавий ечимида кузатилаётган экспериментларни

батафсил ёритиб, бўлажак сценограф рассомларга бугунги кун бадий жараёни борасида аниқ маълумотлар беришда муҳим ўрин тутган;

спектакль декорацияси ечимида қўлланилаётган постмодернизмнинг симулякр, метасанъат, деконструкция, артефакт, универсализм каби қисмларининг экспериментал тасвирий ифодавий воситалари, кўғирчоқ театри аудиториясини кенгайтиришга ва репертуар такомиллашувига ижобий таъсир кўрсатганига оид маълумотлар “Ўзбекистон бадий таълим тизимида “Онлайн музей” электрон галереясини яратиш” номли амалий лойиҳада фойдаланилган (Ўзбекистон Бадий академиясининг 2022 йил 14 сентябридаги ЕУ16531382 сон маълумотномаси). Илмий натижаларнинг қўлланилиши замонавий сценография трансформацияси, режиссёр ва рассом тандеми, уларнинг ижодини соҳа вакилларига кенг тарғиб этишда ҳизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 5 та халқаро, 4 республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 18 та илмий мақола нашр этилган бўлиб, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг PhD докторлик диссертациялари асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 7 та, хорижий журналда 2 та илмий мақола эълон қилинган.

Диссертация тузилиши ва ҳажми. Тадқиқот кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан таркиб топган бўлиб, умумий ҳажми 135 саҳифадан иборат. Илова қилинган иллюстратив альбом 40 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, мақсад ва вазифалари белгиланган, Республика фан ва технологияларининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқот предмети ва объекти аниқланган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси акс эттирилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари очиб берилган, натижаларнинг амалиётга татбиқ этилганлиги баён этилган, нашр қилинган ишлар ва диссертациянинг таркибий тузилиши тўғрисидаги маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Ўзбекистон кўғирчоқ театрлари сценографиясини ўрганишнинг назарий-методологик аспекти”** деб номланган боби икки бўлимдан иборат. Мазкур бобда замонавий ўзбек кўғирчоқ театрлари сценографиясидаги муаммоларни ўрганишга оид илмий адабиётларнинг таҳлилий шарҳи келтирилган ҳамда мустақиллик даври кўғирчоқ театри сценографияси ривожини давлат томонидан яратиб берилган кўллаб – қувватлаш чоралари кесимида таҳлил этилган. Ўзбек Миллий кўғирчоқ театри, Андижон кўғирчоқ театри, Жиззах кўғирчоқ театри, Бухоро кўғирчоқ театрлари тарихи, спектакллар сценографисига оид маълумотлар ўрганилган.

Бобнинг “Қўғирчоқ театрлари сценографиясини ўрганишнинг илмий назарий аспекти” деб номланган биринчи бўлимида ўзбек қўғирчоқ театрлари сценографиясини ёритишда муайян бўшлиқлар мавжудлиги, сценограф расомларнинг ижоди тўлиқ ёритилмагани илмий ёндашувда ўрганиб чиқиш масалаларини олиб чиқади. Ўзбекистон қўғирчоқ театри шаклланиш жараёнига оид икки тарихий давр – совет йиллари санъатшунослигига оид ижтимоий-тарихий ва методологик ёндашувдаги изланишлар ҳамда мустақиллик даврига оид изланишларни қамраб олади. Хусусан, М.Ф.Гаврилов⁷, М.Х.Қодиров⁸ ишларида анъанавий қўғирчоқ томошаларига эътибор қаратган бўлиб, этнография ҳамда театршунослик билан боғлиқ ҳолда ўрганилган. М.Х.Қодиров, С.М.Қодирова⁹ изланишларида муайян долзарб тарихий-назарий масалалар кўтарилган, қўғирчоқ театри тарихи ва спектаклларига оид тарқоқ материаллар илк бор умумлаштирилган. Мустақиллик даври қўғирчоқ театрлари бағишланган изланишлар асосан “Театр” ва “San’at” журналларида мақолалар шаклида чоп этилган. Тадқиқотда мурожаат қилинаётган баъзи масалалар Э.Ўринов, З.Абдумаликова, Ҳ.Икромов, Т.А.Смолякова, Ф.Қурбонова, Д.Мусаева, Д.Раҳматуллаева, А.Исмоилов, У.Раҳимова, Ш.Қаҳҳорзода, З.Абдумаликова¹⁰ томонидан қисман ўрганилган. Ўзбекистон қўғирчоқ театри кадрларини хусусан қўғирчоқ театри режиссёр ва актёрларини тайёрлашда М.Х.Ашурова, Ш.Ў.Ҳайитбаев, Т.Смолякова, Д.М.Қодированинг¹¹ ўқув қўлланма, монография ва дарслик кўринишда методологик илмий рисолаларини такидлаш жоиз.

Мавзуга оид бўлган методологик база рус олимлари томонидан ишлаб чиқилган. В.В.Базанов, Е.С.Деммени, А.А.Михайлова, С.В.Образцов, А.Я.Федотов, М.Френкель¹² каби олимлар қўғирчоқ театри сценографияси ва технологияси, қўғирчоқлар ясаиш технологияси ҳамда турлари, режиссура, драматургия, актёрлар ижросига оид назарий асосни белгилаб беришган. Аммо, бу ишлар совет санъатшунослигига хос эмпирик ва таҳлилий ёндашувда ёзилган бўлиб, мафкуравий чекланмаларини акс эттиради. Жаҳон

⁷ Гаврилов М.Ф. Кукольный театр в Узбекистане. Ташкент: Издательство Средазкнига, 1928. 60 с

⁸ Қодиров М.Х. Ўзбек халқ томоша санъати. Тошкент: Ўқитувчи нашриёти. 1981.57 б (223 б.)

⁹ Қодиров М.Х., Қодирова С.М. Қўғирчоқ театри тарихи.Т. Talqin. 2006 (208 б)

¹⁰ Э.Ўринов.Қўғирчоқ театрларида репертуар масалалари.//Театр. Т; 2004/1; З.Абдумаликова Қўғирчоқ театри драматургияси. // Театр. Т.: 2013/4; Ҳ.Икромов Қўғирчоқ театри режиссураси: изланишлар ва муаммолар.// Театр.Т; 2004/1. 22 б; Т.Смолякова. Театр қўғирчоқлари яратилиши тарихи. // San’at.-Т., 2010.- № 4. 25-26 б; Ф.Қурбонова. Қўғирчоққа жон бағишлаб //Театр 2013/2// 29-б; Д.Мусаева. “Алпомиш” қўғирчоқ театрига келди. //Театр 2000,№1//42-б; Д.Раҳматуллаева. Шум бола.//Театр 2004/1//24-б; А.Исмоилов. Теран маъноли асар.//Театр. 2011/4.26-б //; У.Раҳимова. Йиллар изсиз кетмайди.//Театр. 2012/4.31-б //; Ш.Қаҳҳорзода. Қўғирчоқлар тилга кирганда.//Театр. 2012/4.24-б /; З.Абдумаликова Фотиманинг саргузашти. //Театр.2014/1//Т.: 42-43 б

¹¹ Ашурова М.Х. Қўғирчоқ театр санъатининг актёрлик мактаби. Т. М.Уйғур номидаги ТДСИ Илмий кенгашида тасдиқланган ва нашрга тавсия этилган. 2007.; Ҳайитбаев Ш.Ў. Қўғирчоқ театри режиссураси. Т. А.Қодирий номидаги Тошкент Давлат маданият институти босмаҳонаси. 2007.; Смолякова Т. Технология изготовления театральной куклы.Т.; Қодирова Д.М. XX аср ўзбек театри сценографияси Т.; San’at, 2009.

¹² Базанов В.В. Технология сцены. М.: Импульс, 2005г; Деммени Е.С. Куклы на сцене. Л.; М., Искусство, 1949.; Михайлова А.А. Сценография: теория и опыт. –М.: Советский художник, 1990; Образцов С.В. Актёр с куклой. М.; Л., Искусство,1938.; Образцов С.В. Моя профессия. М., Искусство,1950;1981.; Саломатин История восточного театра кукол.; Федотов А.Я. Техника театра кукол. М., Искусство, 1953; Федотов А.Я. Тростевая кукла. М., Искусство, 1950.; Френкель М.А. Современная сценография. К., Мистецтво, 1980.

ва Шарқ кўғирчоқ театрлари тўғрисидаги замонавий илмий рисолаларда А.М.Кожевников, Марек Вашкель, Г.В.Кротов, В.Л.Берман¹³ кўғирчоқ театри сценографиясига янгича ёндашув, замонавий бадиий жараён хусусиятларини ёритиб берганлиги билан муҳимдир. Юқорида таҳлил этилган илмий манбаларнинг кўламига қарамай Ўзбекистон замонавий кўғирчоқ театри сценографияси масалалари борасида тизимлаштирилган, умумлашма тадқиқотлар мавжуд эмаслигини намоён этади.

Мазкур бобнинг иккинчи бўлими **“Ўзбекистон кўғирчоқ театри тарихи ва сценографиясининг шаклланиши”**ни ўрганишга қаратилган. Миллий кўғирчоқ театри тарихини ўрганиш натижасида мустақилликка қадар унинг фаолияти совет кўғирчоқ театри жараёнлари билан параллель ривож билан белгиланиши, миллий ўзига хослик ва айни пайтда ҳокимиятга муносабат шакли сифатида намоён бўлиши аниқланган. Кўғирчоқ театринг ижтимоий функциясидан давр мафқураси, совет кишиси ахлоқини тарғиб қилишда фойдаланилган. 1970 йиллардан бошланган собиқ совет кўғирчоқ театрларидаги инқироз Миллий кўғирчоқ театрига деярли таъсир кўрсатмади. Спектаклларда ўзбек маданиятининг анъанавий қадриятлари сақланиши билан бир қаторда, жаҳон театрлари инқирозига сабаб бўлаётган спектаклда кўғирчоқнинг бош роли сақланиб қолинаётган эди. Мустақиллик даврида миллий ўзига хослик, ватанпарварлик, инсонийлик мавзулари етакчилик қилиши, тарихий, афсонавий ва этнографик қаҳрамонлар, жаҳон адабиёти дурдоналарига мурожаат, сценографиянинг визуал эффектлари (минимализм, перформанс, мультимедия; овоз, товуш, компьютер графикаси, видео) технологиялардан фойдаланиш, кучли ифодавий ҳиссиётни уйғотадиган мусикалар қўллаш актуаллашгани (“Яна Андерсен”, “Соя”, “Баҳром ва Дилором”, “Тўмарис”, “Широқ”, “Юлдузлар нур сочганда”, “Оҳанг ва офат”) очиб берилди.

Диссертациянинг **“Замонавий кўғирчоқ театри сценографиясининг асосий тенденциялари”** деб номланган иккинчи бобида Тошкент шаҳри ва вилоят театрлари репертуарлари қиёсий таҳлил этиш асосида спектаклнинг олий мақсади, сценографиядаги тасвирий ечим, кўғирчоқ турлари ва тимсоллари солиштирма тарзда таҳлил этилди. Натижада, вилоят кўғирчоқ театрлари (Жиззах кўғирчоқ театри, Бухоро кўғирчоқ театри, Андижон кўғирчоқ театри) Ўзбек Миллий кўғирчоқ театри спектаклларининг сценографияси, кўғирчоқ турлари, аудио-визуал ифодавий таъсир воситаларидан андоза олгани аниқланди. Бунга Бухоро ва Жиззах кўғирчоқ театрларида саҳналаштирилган “Тўмарис”, “Кашмир кўшиғи”, “Широқ” ва яна бир қатор спектаклларини мисол қилиш мумкин.

¹³. А.Кожевников. Современный трансформирующийся театр. (Учебно-методическое пособие для студентов архитектурного направления: бакалавр-магистр) Отдел оперативной полиграфии МАРХИ,М. 2018, 97 стр.; М.Вашкель. Посткукольный театр кукол. 2018. №1-2. 163-170 стр (<http://theatre.sias.ru/upload/vop>); Г.Кротов Сценография кукольного спектакля . Система ценностной современного общества. Общество с ограниченной ответственностью “Центр развития научного сотрудничества” (Новосибирск). №10-1 2010. 126 стр (<https://elibrary.ru/contents.asp?issueid=1239328&selid=21119437>); В.Л.Берман Театральная реальность и ее трансформация в эпоху постмодерна (на материале театра кукол). Авт. дисс. на соискание уч. ст. кандидата философских наук. – Омск: 2009. <https://pandia.ru/text/78/063/20806.php>

Бобнинг “�збекистон кўғирчоқ театрлари репертуари: миллий маданиятнинг ўзига хос хусусияти” масаларига бағишланган биринчи бўлимида истиқлол йиллари Ўзбекистон кўғирчоқ театрларининг фаолияти тарқоқ манбалар асосида ўрганилди. XX аср иккинчи ярмида сахналаштирилган кўғирчоқ театри спектакллари ва замонавий кўғирчоқ театр репертуарларининг қиёсий таҳлили сахна асарларининг мавзу талқини ва тасвирий ечими ўзаро фарқ қилиши хусусиятларини намоён этди. 1950-1980 йиллардаги театрлар репертуарини куйидагича тизимлаштириш мумкин: махсус кўғирчоқ театри учун сахналаштирилган эртақ пьесалар (“Уч кувноқ дўмбоқчалар”, “Кувноқ томоша”); рус театрлари репертуаридаги пьесаларни қайта сахналаштириш (“Бўғирсоқ”); ўзбек халқ достонлари, фольклор ва эртақлар асосида сахналаштирилган пьесалар (“Алпомиш”, “Ойгул билан Бахтиёр”, “Семурғ”). Мазкур спектаклларнинг ғоявий юкламаси ўз даврининг мафкурасини акс эттиришдан иборат бўлган. Мустақиллик йилларида мавзу кўлами кенгайиб, миллий ва умумбашарий ғояларни етказишга, афсонавий қаҳрамонлар ва мутафаккирлар тимсолида ёшларнинг дунёқарашини ўстиришга қаратилди. Умуминсоний ғояларни акс эттирган асарларнинг тасвирий ечимида моддий ва маданий мерос талқини, амалий санъат турларининг декорацияларда унумли қўлланиши миллий колоритни намоён этиши, янгича аудио-визуал эффектлардан фойдаланиш ранг баранг ўзига хосликни намоён этди. Мазкур даврдаги ривожланишни шартли равишда икки йўналишга бўлиш мумкин: режиссёрнинг энг сара драматургик асар устида изланишлари ҳамда рассомнинг миллий, экспрессив ифодавий ва техник комил актёр-кўғирчоқ яратиш устидаги изланишлари. Ижодий тажрибалар фонида театрлар халқ маданиятидаги анъаналар, миллий шаклларга мурожаат этишди. Дастлабки босқичларида кўғирчоқ театри мавжуд элементларни сақлаб қолган бўлса, кейинги давр фаол ижодий экспериментлар эвазига профессионал ўсиш, анъанавий кўғирчоқ томоша турлари ва образларидан фойдаланиш, бошқа миллат кўғирчоқ театрлари репертуарлари орқали тажриба ортириш, миллий спектаклларнинг образи, ифодавий шаклини яратиш жараёнларига ижобий таъсир кўрсатди. Халқ оғзаки ижоди, эпослар, достонлар мотивидаги сюжетлар билан томошабинлар қалбига кириб боришди. Кўғирчоқ театрларида миллийликни асосий хусусият сифатида намоён этиш ва унинг аҳамиятини белгилаш жараёнлари театр сценографиясини замонавий санъатдаги усубий изланишлар ва тажрибалар майдонига айлантирди. 1990 йиллардан бугунги кунгача ижодий фаолиятини олиб бораётган режиссёр Ш.Юсупов, Ф.Ходжаев, Д.Юлдашева, сценограф В.Акудин, С.Седухин, М.Иванян, З.Ёдгоров ва композитор А.Икромовлар ҳамкорлиги, ижодий бирлиги мумтоз ва замонавий асарлар талқинларида турли тажрибалар ўтказиб, миллий, маънавий қадриятларни тиклашда хизмат қилишди.

Мазкур бобнинг иккинчи бўлими “Замонавий кўғирчоқ театрларида режиссура, драматургия ва сценографик ечим масалалари”ни ўрганишга қаратилган. Театрлардаги сўнгги ўттиз йилликдаги изланишлар турли босқичларни бошидан кечирди. Дастлабки ўн йиллик маданият соҳасида

фаолият олиб бораётган ижодкорлар учун оғир кечди. Шу жумладан, кўғирчоқ театри ижодкорларига ҳам. Шундай бўлсада театрлар ижодий жамоаси изланишдан тўхташмади. Ижодий гуруҳ саҳна маконини ташкил этишда, янги техник воситалардан фойдаланишда, визуал диапазон учун янги стилистик ечимлар топиш, турли пластик шаклларни ягона маконда бирлаштиришга асосланган ҳаракатлар устида фаол тажриба ўтказди. Бугунги кунда ушбу соҳа вакилларининг ижодини ўрганишда муайян муаммоларга дуч келинмоқда, авваламбор театр архивларида спектакль декорацияларининг тўлиқ сақланиб қолмагани, асарлар тўғрисида тўлиқ маълумотларнинг йўқлиги, театр фаолияти ёритилганда рассомлар ижоди кам ўрганилганлиги билан изоҳланади. Бу муаммоларни республикамизнинг деярли барча театрларида кузатиш мумкин.

Фаолиятида тажрибадан ўтган режиссёр ва рассом мақсадининг уйғунлиги театр муваффақиятига сабаб бўлиши мазкур даврда “Карвонсарой”, “Кашмир афсонаси”, “Соя”, “Чўп кўғирчоқ”, “Юрт тумори Тўмарис”, “Широқ”, “Баҳром ва Дилором”, “Турна пати”, “Шерюрак Бобур”, “Фарҳод жасорати”, “Ҳамлет” каби ижодий ҳамкорлигида тасдиғини топди.

Учинчи боб **“Замонавий сценография масалалари ва спектаклларда рассомнинг ўрни”** деб номланиб тадқиқот ишига доир замонавий сценография масалалари ва спектакллардаги рассомлар ижоди, бадий эстетик жиҳатлар асосида театр безакларини яратиш, кичик ва катта декорацион шакллар, ширмалар, кўғирчоқ турлари, реквизит, атрибут, персонаж, либос, усул ва услубларининг бадий маҳорат кўникмаларини шакллантириш, кичик ва катта саҳна макон шакллари, постмодерник хусусиятлар кесимида ўрганилган.

Биринчи бўлим **“Замонавий сценография трансформацияси”** масалаларига бағишланган. Кўғирчоқ театрларининг бугунги кўриниши Шарқ ва Ғарб кўғирчоқ театрларининг ўзаро бир бирига кўрсатган таъсири натижасидир. Бундай таъсир ҳозирда ҳам давом этиб келмоқда. Европа, Россия, Япония кўғирчоқ театрларида пайдо бўлаётган янги тенденциялар аста-секинлик билан Ўзбекистон кўғирчоқ театрларига ҳам ўз таъсирини кўрсатмоқда ва халқаро фестивалларда иштирок этаётган ўзбек кўғирчоқ театрларининг спектакллари турли мамлакатлар томошабинлари томонидан жуда илиқ кутиб олинмоқда. Минтақамиз кўғирчоқ театрларининг сал кам бир асрлик ривожланишда театр маконининг эволюцияси жамиятнинг иқтисодий тузилиши таъсирида кузатилди. Шундай бўлсада С.В.Образцов бошчилигида кириб келган Европа типидagi кўғирчоқ театрининг академик хусусияти сақланиб келмоқда. XXI асрнинг бошларида театр спектаклларининг интеллектуал бойиши кичик ёшли томошабинлардан катталар аудиториясига қисман ўтишга олиб келди (“Соя”, “Баҳром ва Дилором”, “Ҳамлет”). Бундай фалсафий ёки ижтимоий тағмаъноли спектакллар XX аср иккинчи чорагида замонавий типдаги кўғирчоқ театри ўз қоидалари билан кириб келгунига қадар Шарқ халқларида мавжуд бўлган анъанавий кўғирчоқ театрларининг бирламчи вазифасига қайтишига олиб келди. Ўзбекистон кўғирчоқ театр сценографияси жадал трансформацияга

учрамоқда. Жаҳонда рўй бераётган ўзгаришлар, хусусан Европа кўғирчоқ театрларининг посткўғирчоқ даврга тўлиқ ўтгани ўзбек репертуарларида ҳам катта ёшли томошабинлар аудиториясига мўлжалланган тағмаъноли, долзарб мавзули спектакллар сахналаштиришда изланишлар олиб бориш кераклигини кўрсатмоқда.

Учинчи бобнинг иккинчи бўлими **“Образ яратишда бадиий-ифодавий воситалар”** деб номланади. Мазкур бўлимда кўғирчоқ театри рассомлари ижоди чуқур тадқиқ қилиниб, образ яратишдаги ўзига хослик, қаҳрамонларнинг ҳиссий-эмоционал ҳолати, танланган ранг, қўлланилган аксессуарлар образ феъл-атворини яққол очиб беришда хизмат қилиши, рассомнинг қизиқарли композиция топилмалари яратилаётган асарнинг чуқур фалсафий ғоясини тўлиқ очиб беришда хизмат қилиши ўрганилган. В.Акудин, С.Седухин, Ш.Абдумаликов, Б.Исмоилов, В.Апухтин, З.Ёдгоров, А.Джабборова, М.Рўзиева, Л.Ғаниев каби рассомлар ижодий изланишлари кўғирчоқ тимсолларини яратишда миллий шакллар, тарихий, афсонавий ва этнографик персонажлар, халқ либослари ва нақшларига урғу бериш билан бойитиш орқали спектаклларда миллий маданиятни таъкидлаш тенденцияси етакчилик қилгани таҳлил қилинди.

ХУЛОСА

